# «БОБУРНОМА» ТАБДИЛИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУЛОҲАЗАЛАР

**Б. Жалилов**

*Мақолада “Бобурнома”нинг табдил вариантига оид фикр-мулоҳазалар баён қилинган ва асарни қайта ўқиш жараёнида аниқланган янги маълумотлар илмий муомалага киритилган.*

***Калит сўзлар**: асл вариант, табдил, услуб, уффунот, рутубат.*

*В статье представлены суждения автора об адаптированном на современный узбекский язык тексте «Бабурнаме» и введены в научный обиход новые факты, выявленные при сопоставительном чтении его с оригиналом.*

***Ключевые слова**: оригинал, адаптирование, стиль, “уффунот”, “рутубат”.*

*In this article by comparing the original version and the adapted version of ‘Baburname’ the author tries to express his own vision of facts provided in both versions and tries to introduce some new facts found during rereading the adapted version.*

***Key words**: original, adapting thestyle, “ufanet”, “rutub”.*

---

«Бобурнома» Бобурнинг ҳаёт ва ижод йўлини акс эттирувчи асар бўлиши билан бирга уч минтақа – Мовароуннаҳр, Афғонистон, Ҳиндистоннинг XVI асрдаги сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётига оид асардир. «Бобурнома» факт ва материалларга бойлиги жиҳатидан тенгсиз китобдир. Шунинг учун асар ҳар сафар қайта ўқилганда, янги маълумотлар кашф этила беради. Жумладан, адабиётшунос Ҳасан Қудратуллаев «Бобурнома»ни олти марта қайта ўқиганини ва ҳар сафар янги маълумотлар кашф қилганини айтади. «Бобурнома»нинг тадбил варианти яратилиши муносабати билан мен ҳам яқинда табдил ва асл матнни солиштирган ҳолда қайта ўқиб чиқдим [1].

Аввало, жаҳонга машҳур асарнинг табдил қилингани хайрли иш эканини айтиш керак. «Бобурнома» XVI аср адабий тилида ёзилгани учун бугунги китобхон уни тўла тушунавермайди. Ўз вақтида профессор С.Жалилов «Бобурнома»нинг табдил вариантини яратишга киришган, вилоят газетасида айрим парчаларни эълон қилган ҳам эди. Профессор Ф.Исҳоқовнинг табдил ҳақидаги салбий тақризидан сўнг бу иш тўхтаб қолган эди. «Бобурнома»ни табдил қилиш, китоб ҳолида эълон қилиш В.Раҳмонов ва К.Муллахўжаевалларга насиб этди [2]. Биринчи навбатда, бу иш учун уларга раҳмат айтиш зарур. Бироқ табдил ва асл вариантни солиштириб ўқир эканман, назаримда, «Бобурнома»нинг оҳори тўкилгандай туюлди. Ўйлашимча, бу ҳол Бобур услубини беришнинг қийинлиги сабаб юз берган. Қуйида табдилнинг Андижонга алоқадор ўринларига оид айрим мулоҳазаларни айтиб ўтсам.

Бобур «Бобурнома»да Навоий асарлари Андижон элининг тили билан «нашу намо» топганини айтган. Табдилда «нашу намо» сўзи «шуҳрат» деб табдил қилинган [2.29]. «Нашу намо» сўзи бағридаги маъно «шуҳрат» сўзидан юксакроқ, баландроқдир. Худди шу ўриндаги гап ҳам яхши чиқмаган. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун асл матнни табдилга қиёс қилиб кўрайлик.

Асл матн: «Ани учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти, бовужудким, Ҳирида нашу намо топиптур, бу тил биладур» [1.37].

Табдил: «Шунинг учун ҳам Мир Алишер Навоийнинг асарлари гарчанд Ҳирий (Ҳирот)да шуҳрат қозонган бўлса-да, бу тил билан ёзилган” [2.29]. Жумланинг тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гап шаклида берилгани туфайли мазмунга путур етган. Бизнингча, бу гапни мана бу шаклда бериш маъқул бўлур эди: «Шунинг учун ҳам Мир Алишер Навоийнинг асарлари Ҳири (Ҳирот) да бу тил билан довруғ топган».

Табдилдаги қуйидаги гапга ҳам қўшилиб бўлмайди: «Эли туркдир (ўзбекдир)» [2.29]. Бу шаклида гап китобхонни чалғитади. Чунки «Бобурнома»дан шу нарса аниққи, муаллиф «ўзбек» деганида Шайбонийхонни, унинг авлодини тушунган. Шунинг учун ҳам асарда «Самарқандни ўзбек олгач, Кешдан Хисор сари йўлга тушдик», «Ўзбекларни кўча-кўйда қутурган итлардек тош ва таёқ билан уриб ўлдирдилар» [1.78] деган гаплар учрайди ва бу ҳол табдилда қавсда берилган “ўзбек” сўзи билан зиддият ҳосил қилади.

Бобур «Бобурнома»да Андижон ҳавоси ҳақида шундай ёзган: «Ҳавосининг уффуноти бор» [1.35]. Бу гап тадбилда: «Ҳавосининг рутубати бор» [2.22], деб берилган. Аввало, «рутубат» сўзи – бугунги китобхон учун тушунарсиз сўз. Бунинг устига, «уффунот» сўзининг маъноси «рутубат» сўзи маъносига тўғри келмайди. «Уффунот»

сўзи Ҳ.Назарованинг Бобур асарлари учун тузган луғатида: «Чириш натижасида ёмон ҳиднинг пайдо бўлиши, бадбўйлик, сассиқлик» деб берилган [4.151]. «Рутубат» сўзи эса «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да: «намлик», «захлик» деб берилган [5.629]. Шунинг учун гапни «Ҳавосининг бадбўй ҳиди бор» шаклида табдил қилиниши маъқул эди.

"Борбурнома"ни табдил билан қиёслаб қайта ўқиш давомида илгари эътибордан четда қолиб келган бир қатор янгиликларни топдим ва қуйида шулар билан ўртоқлашишга жазм этдим.

Бобуршуносликда Бобур хотинлари, фарзандлари масаласи тўла ҳал қилинган эмас. Барча манбаларда қайд этилишича, Бобур беш марта уйланган, биринчи хотини Ойша бегим 17 ёшида Тошкентда талоқ қилинган. Бобур Қобулда тўрт марта уйланган. Маъсуда бегим туғиш вақтида вафот этган. Бобур Моҳим бегим, Гулруҳ бегим, Дилдор бегимлар билан яшаган.

Илмий ва бадиий асарларда Бобур ҳарами ҳақида маълумотлар учрамайди. Ҳатто П.Қодировнинг «Бобур» романида Бобур ҳарам ушламаган, деган фикр берилган. Бу фикр тўғри эмас. Бобур «Бобурнома»да қайси шоҳ ҳақида маълумот берса, унинг расмий хотинларидан ташқари, ғунчачи, ғумма номлари билан аталувчи хотинлари, ҳарами ҳақида ҳам маълумотлар беради.

Бобур отаси – Умаршайх Мирзо ҳақида маълумот берар экан: «Хотинлари ва канизлари: Қутлуғ Нигорхоним, Шоҳбегим, Умаршайхнинг ўғил ва қизларининг оналари шу иккиси эди. Яна бир хотини Улуғ оға эди. Яна бир хотини Фотима Султон эди. Яна бир хотини Қоракўзбегим эди. Чўри ва канизлари анча эди. Уларнинг бири Умид оғачи эди, мирзодан олдин қазо қилганди. Мирзонинг сўнгги маҳалларда канизи Тун Султон, оға Султонлар эди» деб ёзган [1.40].

Бобур XVI асрнинг типик подшоси, соғлом киши эди. У даврининг шоҳларидан ўзгача ҳаёт кечирмас эди.

Бобур асарида ҳарами ҳақида кенг маълумотлар бермайди. У оилавий сирларини достон қилувчи киши эмас. «Бобурнома»ни синчиклаб ўқир эканмиз, шундай маълумотга эга бўламиз: «Шу боис опамни ва ҳарамни Ҳиндистонга чақиртирдим» [1.249]. Демак, Бобурнинг **ҳарами бўлган**.

«Бобурнома»ни кўчирган котиб асар охирида «Илова» берган. Иловада Бобур фарзандлари ҳақида шундай маълумотлар келтирилган: «Ва ул подшоҳга тўрт ўғил ва уч қиз тангри таоло каромат қилиб эрдиким, ўғиллари: Муҳаммад Ҳумоюн подшоҳ ва Комрон Мирзо ва Мирзо Асқарий ва Мирзо Ҳиндол эрдилар. Ва қизлар: Гулрангбегим ва Гулчеҳрабегим ва Гулбаданбегим» [3.357].

Бобуршуносликка оид барча манбаларда Бобур фарзандлари ҳақида шу маълумот қайтарилади. Н.А.Муҳитдинов узоқ йиллар давомида чет элларда ишлаб, Бобурийлар тарихи билан қизиққан, янги-янги фактларга дуч келган. У «Гулистон» журналида эълон қилган мақоласида Бобур фарзандлари 18 та бўлиб, улардан 16 таси Қобулда туғилганини ёзган. Бобур фарзандлари сонининг кўплиги ҳам унинг ҳарами бўлганини кўрсатади [6].

«Бобурнома»ни қайта ўқиш жараёнида Бобурнинг яна бир фарзанди ҳақидаги маълумотга дуч келдим. «Бобурнома»ни ўқиймиз: «Яна қизим Маъсуманинг ва ўғлим Хиндолнинг навкарларига тугмалик чакмонлар ҳамда шойи сарполар инъом қилинди» [1.241]. Демак, Бобурнинг **Маъсума исмли қизи ҳам бўлган.**

"Бобурнома"нинг В.Раҳмонов ва К.Муллахўжаевалар томонидан амалга оширилган табдилидаги мисоллар таҳлили асар ёзилган давр адабий тилини яхши билиш заруратини кўрсатади. Шунингдек, "Бобурнома"даги юқорида биз келтирган маълумотларни эътиборда тутиш табдилнинг янада тўлароқ ва мукаммалроқ бўлишини таъминлайди, деб ўйлаймиз.

**Адабиётлар:**

1. Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. – Т.: Шарқ НМАК, 2002.
2. Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. В.Раҳмонов, К.Муллахўжаева табдили. – Т.: Ўқитувчи, 2008.
3. Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома./ Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев.- Т.: Юлдузча, 1989
4. Назарова Ҳ. Бобур асарлари учун қисқача луғат. – Т., 1972.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати – М., 1981.
6. "Гулистон" журнали.- 1987.- № 10

*Андижон давлат университети*
*2015 йил 12 майда қабул қилинган*
*(тақризчи: ф.ф.д. С.Қурбонов )*